

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**МУХАММЕДОВА ХУЛКАР ЭЛИБОЕВНА**

**ЧАРЛЬЗ ДИККЕНС АСАРЛАРИДА АЁЛ ХАРАКТЕРИ  
ТИПОЛОГИЯСИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Мухаммедова Хулкар Элибоевна**

Чарльз Диккенс асарларида аёл характери типологияси.....3

**Mukhammedova Khulkar Eliboevna**

Typology of a woman character in Charles Dickens's novels.....25

**Мухаммедова Хулкар Элибаевна**

Типология женского характера в произведениях Чарльза Диккенса.....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**МУХАММЕДОВА ХУЛКАР ЭЛИБОЕВНА**

**ЧАРЛЬЗ ДИККЕНС АСАРЛАРИДА АЁЛ ХАРАКТЕРИ  
ТИПОЛОГИЯСИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.2.PhD/Fil143 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари универсиетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Холбеков Мухаммаджон Нурқосимович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сирожиддинов Шуҳрат Самариддинович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Бақоева Муҳаббат Қаюмовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат универсиети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари универсиети, Ўзбекистон Миллий универсиети хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақами Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100047. Тошкент, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq\_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25 уй. Тел: (99871) 233-45-21).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақами реестр баённомаси).

**А.М.Маннонов**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, филол.ф.д.,  
профессор

**Қ.П.Содиков**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, филол. ф.д.,  
профессор

**Г.Х.Боқиева**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол. ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётида классицизм, маърифатчилик, романтизм ва реализм каби турли оқимлар руҳида яратилган асарларни кузатганда аёл қалби кечинмаларини таҳлил этиш муаммоси ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган. Бугунги кун адабиётининг ушбу хусусияти адабиёт ва санъатда борлиқнинг ҳамма жиҳатлари ўз аксини топади, фақат улар битта шартга бўйсунадилар, яъни, улар инсон характери ва руҳий ҳолатининг у ёки бу қиррасини очишга хизмат қилишлари билан изоҳланади. Жаҳон адабиётшунослигига аслият, услубан етук ва автобиографик адабий манба, адабий-тарихий мерос намунасиdir. Жаҳон ҳалқларининг ҳазиналаридан бири бўлган миллий-маданий қадриятлар, урф-одатларни акс эттирган хусусиятларни тадқиқ этиш муҳим масалалардан биридир.

Дунё адабиётшунослигига инглиз реалист ёзувчisi Чарльз Диккенс прозасига хос матн ва тил хусусиятлари, таржимада поэтик образнинг сақлаб қолиниши, рамз ва мотивларнинг роли, бола мавзунининг ёритилиши ва образ орқали инглиз маданияти, Farbga хос урф-одат, ҳамда викториан давр анъаналарининг хусусиятларини ўрганишга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги жаҳон адабиётшунослигига аёл образининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ижтимоий белгилари асосида таснифланиши каби масалалар устида тадқиқотлар олиб борилаётган бўлишига қарамасдан характер мезонлари асосида аёл характерининг типларга ажратилиши лозим бўлган жиҳатлар мавжуд.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёни, ҳалқаро муносабатларнинг турли йўналишларида ташқи алоқаларнинг жадал суръат билан ривожланиши илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш фан ва таълим тизими олдига муҳим вазифалар қўймоқда. Республикаизда мустақиллик йилларида «дунё адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этиш, мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналарини хорижий тилларга ўгириш ва чет элларда тарғиб этиш тизимини яратиш»га алоҳида эътибор қаратилди<sup>1</sup>. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтилди, чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3652-сон қарори. 5.04.2018 йил. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652 сонли Қарорларидағи ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-хуқукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқукий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Чарльз Диккенс ижодида аёл характеристини ўрганиш масаласи хорижда кўплаб адабиётшунос олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, М.Слейтр, Ж.Хартли, М.Марголис, Р.Боденхаймер, К.Диккенсон, А.Исба, И.Патрисиа, Т.Клея, В.Энгус, Ш.Хилари, М.Норрис, Д.Холбрук, Д.Лэнгдел, Ш.Престон, Б.Козловски, Ж.Жон, Р.Готлиеб, Ж.Фландерс, С.Жирад, Х.Шор<sup>2</sup> сингари олимлар томонидан Чарльз Диккенснинг турли ижод даврларида яратилган аёл образларига тўхталишган, аммо, аёл образини бир-бирига қиёслаш орқали образнинг ўзига хос ва фарқли жиҳатлари маҳсус ўрганилмаган. Т.В.Анисимова, И.Л.Арманд, Т.Г.Боголепова, Е.Е. Дианова, И.В.Гредина, С.Зверева, Т.Н.Шевелева, М.Тугушева, М.В.Швачко, Т.Сильман, А.Аникин, Н.П.Михальская, М.В.Мадзигон, О.Л.Мощанская, О.Колос, С.Мансур, О.Наумова, Н.В.Осипова<sup>3</sup> каби адабиётшунос олимлари томонидан Чарльз Диккенс ижоди бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Аммо уларнинг илмий тадқиқотларида аёл характеристининг типологиясини яратиш вазифаси қўйилмаган.

---

<sup>2</sup> Slater M. Dickens's Women. – London., J.M.Dent & Sons LTD., Melbourne and Toronto, 1983; Hartley J. Charles Dickens and The House of Fallen women. – London., 2008; Margolis M. Dickens's Women. –The USA, 2013; Bodenheimer R. Knowing Dickens. –Ithaca and London, Cornell University Press: 2007; Dickenson K. Ten Girls of Dickens. –The USA., Lexington: 2013; Isba A. Dickens's Women. – L.: 2011; Ingham P. Dickens, Women, and Language. – The USA: New York, 1992; Claire T. The Invisible Woman – The story of Nelly Ternan and Charles Dickens. –London., 1990; Wilson A. The World of Charles Dickens. –London., 1970; Schor H. Dickens and the Daughter of the House. –London., Cambridge: 2007; Norris M. They knew Dickens; Recollections by the friends and Family of Charles Dickens. –London., New Street Communications, LLC: 2014; Langdell D. Dickens in the 21st century. Create Space Independent Publishing Platform. –The USA., 2013; Preston Sh. Dickens and the Despised Mother; A Critical Reading of three Autobiographical Novels. –The USA., McFarland: 2014; Kozlowski B. What the Dickens? Distinctly Dickensian Words. –The USA., Running Press: 2016; John J. Dickens's Villains; Melodrama, Character, Popular Culture. –London., Oxford University Press, 2003; Gottlieb R. Great Expectations; The Sons and Daughters of Charles Dickens. –L.: Straus and Giroux: First Edition, 2012; Flanders J. The Victorian City: Everyday Life Dickens'. –L.: Thomas Dunne Books., 2014.

<sup>3</sup> Анисимова Т.В. Творчество Диккенса 1830-40 гг. Проблема становления индивидуального писательского стиля. Дисс. канд. филол. наук. –Красноярск, 1989; Шевелева Т.Н.Христианске мотивы в творчестве Ч.Диккенса. Автореф. дисс. канд. филол. наук. –Н.Новгород., 2004; Швачко М.В. Диккенс и сказка. Дисс. канд. фил. наук.– Казань, 1994; Дианова Е.Е. Образ Детства в английской и русской прозе XIX века. Дисс. канд. филол. наук. – М., 1996; Зверева С. Художественные средства типизации персонажей в романе «Девид Копперфилд». Автореф. дисс. канд. филол. наук.–Львов., 1955; Мощанская О.Л. Эволюция женских образов в творчестве Ч.Диккенса. –Н.Новгород., НГПУ., 2000; Колос.О.Н. Чарльз Диккенс в историко-культурном контексте Англии. Автореф. дисс. канд. филол. наук . – Саранск.,2001; Тугушева М.П.Чарльз Диккенс. Очерк жизни и творчества. – М., 1979.

Чарльз Диккенс сиймоси ўзбек китобхонига «Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари» ҳамда «Катта умидлар»<sup>4</sup> асарининг таржимаси билан таниш. Адибнинг ижоди бўйича бир нечта мақола эълон қилинган<sup>5</sup>. Мазкур ҳолат тадқиқотнинг долзарб эканлигидан далолат беради. Мазкур мавзу ўзбек адабиётшунослигида типология муаммоларининг ўрганилиши, бадиий асар поэтикаси ва ёзувчи маҳорати хусусидаги типологик яқинликлар қатор илмий ишларда, жумладан, Т.Шарипова, Ж.Шамали, К.Ризаева, Х.Лутфиддина, Ш.Абдуллаева, О.Дусейинов олиб борган тадқиқотларда аёл характеристи турилди адиблар ижоди мисолида ёритиб берилган<sup>6</sup>.

Чарльз Диккенс ижоди мамлакатимиз ва чет эл олимлари томонидан қанчалик кўп ўрганилганлигига қарамай, ундаги аёл характеристи алоҳида тадқиқот обьекти сифатида танланиб, аёл характеристининг турли типларини аниқлаш мақсадида характеристер мезонлари ишлаб чиқилмаган. Характернинг ўзига хос ва фарқли хусусиятлари илмий жиҳатдан типологик тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Хорижий адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари», «Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти» илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқ равишда олиб борилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Чарльз Диккенс асарларида аёл характеристи типологиясини яратиш ҳамда маданий-адабий, ижтимоий жараёнлар кесимида ёритиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуидагилардан иборат:

Чарльз Диккенс ижодий мероси асосида диккеншунос олимларнинг айнан аёл характеристидаги муаммоларни ёритган тадқиқотларини таҳлил қилиш ҳамда уларга илмий танқидий муносабат билдириш, тарихий шароит,

<sup>4</sup> Диккенс Ч. Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари. –Тошкент., Ф.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашр: 1984; Диккенс Ч. Катта умидлар.–Тошкент, Жаҳон Адабиёти ижт.-й публицистик журнал: №1-4. 2015.

<sup>5</sup> Холбеков М.Чарльз Диккенс. –Жиззах., 2009; Бобур Н. Диккенснинг икрори. –Тошкент., Жаҳон адабиёти №2 .-Б.187-188; Хошимова Ю. Диккенс билан бир қаторда У.М.Теккерей. –Тошкент., Жаҳон адабиёти, 2012 №7, -Б.196-197.

<sup>6</sup>Холбеков М. О типологическом исследовании узбекско-французских литературных связей.–Самарканд., Изд.Самгу, 1997; Мелиев С. Данте ва Навоий. Юксак фазолардаги учрашув.–Т., Жаҳон адабиёти, 1998, №2; Жўраева Ф.Ё. Типологик образларнинг қиёсий таҳлили. (Л.Н.Толстойнинг «Хожимурод» ва Х.Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» асарлари мисолида).Филол.фан.ном....автореф. –Т., НДА.. 2000; Косимов А.А. Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг адабий муаммолари (А.Сент-Экзепер ва А.Камю ижоди мисолида). Филол.фан.ном....автореф. –Т., ДДА, 2007; Шарипова Т. Женские образы в драматургии Хамза Хаким-заде Ниязи. Автореф канд. филол. наук. –Т., 1977; Шамали Ж. Образ женщины в романах узбекского писателя Айбека «Священная кровь» и «Ветер золотой долины» и египетского писателя Абдурахмана Аш-Шарави «Земля» и «Феллах» (типологический анализ). Автореф канд. филол .наук –М., 1982; Ризаева К Некоторые приемы создания положительных образов женщин в послевоенной узбекской прозе. Автореф канд. филол .наук. -Т., 1959; Лутфиддина Х. Ёзувчининг эстетик идеали ва аёллар образи (Ўткан кунлар ва Кеча ва кундуз романи мисолида). Автореф филол.фан.ном. –Т.,1994; Абдуллаева Ш. Алишер Навоийнинг хотин-қизлар хақидаги гуманистик фикрларига доир (Хамса асарида). Автореф филол.фан.ном. –Т., 1954; Мусина Г.Г. Историко-типологический анализ женских образов в узбекском народном эпосе. Автореф дисс. д-ра. филол .наук. – Т., 1990.

адабий муҳит ва адабий оқимлар, ижтимоий-сиёсий қараашлар фонида ёзувчи ижодининг ўзига хос қирраларини асослаш;

ёзувчи прозасида аёл характерини очиб беришда характер критерияларини яратиш, аёл характерини ижтимоий белгилари асосида типларни аниқлаш;

ёзувчи асарларидаги реалистик воқеаларнинг акс этиши, асардаги аёл характерини очувчи деталларни ёритиши;

Чарльз Диккенс асарларидаги аёл характерини қиёсий-типологик аснода характерларни қиёсий ўрганиш ва ёзувчи шахсияти ҳамда ижод эркинлиги билан боғлиқ жиҳатларни кўрсатиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XIX аср танқидий реализми адабиётининг йирик вакили Чарльз Диккенс асарлари ташкил қиласди.

**Тадқиқотнинг предмети** этиб Чарльз Диккенс асарларида тасвирланган аёл характери типологияси белгиланган.

**Тадқиқотнинг усуслари** Тадқиқотда типологик, биографик, бадиий матн таҳлили, қиёсий-типологик методлардан фойдаланилган.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Викториан инглиз адабиёти асносида аёл характери ҳозирги замон адабиёт назарияси билан боғлиқ томонлари типологик йўналишда очиб берилган;

ёзувчи прозасини қамраб олган тўрт ижод даври мобайнида яратилган асарларда аёл характерининг миллий колорити исботланган;

адиб ижодига тегишли бўлган асарларда аёл характерининг ижтимоий белгиларига асосланиб, образнинг тобелиги, фидокорлиги, маккорлиги ҳамда ўзига хос ва фарқ қилувчи хусусиятлари далилланган;

Чарльз Диккенс асарлари асосида ишлаб чиқилган характер мезонлари аёл образини типларга ажратишда татбиқ этилганлиги исботланган;

ёзувчи асарларида яратилган аёл характери типологияси қисман ўзбек асарларидаги аёл образи билан қиёсланиб, улар ўртасидаги фарқ қилувчи жиҳатлари асосланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуидагилардан иборат:

ижтимоий романлар мисолида аёл характерини ўрганишда умумий, индивидуал ва фарқли жиҳатлари, ижодий-индивидуал услуби, образлар тизими ҳамда эпик маҳорати хусусиятларини таҳлил этиш имкониятлари кенгайтирилган;

инглиз ижтимоий прозаси аёл образини тасниф қилишда аёл характерининг турли белгилари қиёсий-типологик йўналишдаги илмий изланишлар заминида ёритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хуносалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда

жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, у адабиётшуносликда юзага келган янги йўналишлар ва мавзуларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш, уларнинг ўзбек адабиётшунослигига таъсир этажтанини аниқлаш ҳамда инглиз адабиётида яратилган асарларнинг табиатини қиёсий ўргангандан ҳолда улар орасидаги мазмуний-услубий мувофиқлик ҳолатларини аниқлаш ва бадиий асар таҳлилида характер воситасида талқин этиш йўли ва имкониятларини белгилаш тўлақонли инглиз маданий хусусиятларини кўрсатиш учун илмий манба сифатида хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хulosалар ва катта қўламдаги янги адабий материаллардан «Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи», «Жаҳон адабиёти», («Киёсий адабиётшунослик», «Адабий танқидчилик тарихи», «Адабий алоқалар» бўлимлари) «Замонавий хорижий адабиёт» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, маъруза ва семинар машғулотларини олиб бориш, битириув малакавий ва магистрлик ишларини бажариш, шунингдек, талabalар билан ўтказиладиган дарсдан ташқари ишларда ва талabalар илмий жамияти тўгаракларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳозирги жаҳон адабиётшунослигига кечайдан инновацион жараёнларни ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Чарльз Диккенс ижодида яратилган аёл образи қиёфасига хос бўлган фазилатлар, хислатлар унинг характерида ўз аксини топиши тўғрисидаги маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг давлат адабиёт музейида ташкил этилган «Ўзбек ва дунё адабиётида умумбашарий мавзулар» номли экспозицияни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 2 апрелдаги 311255-817-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчи ва томошабинларга инглиз маданияти ва асар таржималари ва инглиз аёл характери типлари хақида қимматли маълумотларга эга бўлиш имконияти яратилган;

Чарльз Диккенс ижодий мероси асосида аёл характери типологиясини яратишга оид илмий-назарий хulosалардан «Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир» фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 2 апрелдаги 311255-817-сон маълумотномаси). Натижада аёл характерига берилган турли талқинларни таққослаш ҳамда адабиётшунослик тушунчалари тизимида тутган ўрнини белгилаш, адабий қаҳрамон типларини қиёсий адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш бўйича манба бўлиб хизмат қиласди;

Чарльз Диккенс асарларида аёл характерини очиб бериш орқали аниқланган аёл образларига оид маълумотлар Ойбек уй музейида ташкил этилган «Ойбек таржимон» бўлимини ва музейнинг илмий-ёрдамчи фондини бойитишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 01-11-08-4239-сон маълумотномаси). Натижада Чарльз Диккенс ижодининг ўзбек адабиётида ўрганилиши, Ойбек ижоди билан таққосланиши, ўзбек ва инглиз аёл образларининг типологик қирралари, ўзбек адабиётида жаҳон адабиётининг таъсирини аниқлашга имкон берган;

Чарльз Диккенс асарларида аёл характери типларини аниқлаш, характерлар критерияларини ишлаб чиқиш масалалари, адаб асарларининг умумбашарий қиймати, бугунги ўқувчи учун муҳим бўлган жиҳатлар билан боғлиқ натижалардан «Маданият ва маърифат» телеканалидаги «Дунё адабиёти» кўрсатувининг бир қатор сонларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканалининг 2018 йил 11 январдаги 02-16/16-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқот натижаларининг эфирга узатилиши мамлакатимиз аҳолисини жаҳон адабиётининг улкан намояндаси Чарльз Диккенс асарлари билан чуқурроқ таништириш, уларда тараннум этилган умуминсоний туйғуларни тарғиб этишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуман ва семинарларда, жумладан, 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференциялари апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуи бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 2 та халқаро 12 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва хажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган бўлиб, умумий хажми 162 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмida мавзунинг далзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Танқидий реализм даври адабиётида аёл характери муаммосининг ўрганилиши» деб номланган биринчи бобида «Инглиз ижтимоий прозасида аёл характерини тадқиқ этишда муҳим ёндашувлар» тадқиқ этилади. Европада классицизм, маърифатчилик, романтизм ва реализм каби турли оқимлар руҳида яратилган асарларни кузатганда аёл қалби кечинмаларини таҳлил этиш тобора кучайиб борганигини қўриш мумкин. Реализм даврининг энг муҳим жиҳатни инсон характеридаги ҳамма яхши ва ёмон хусусиятларнинг асосий сабаби мавжуд шароит эканини очиб беради. Чарльз Диккенс (Charles Dickens 1812-1870) ижодида аёл образини очиб бериш, уни типологик жиҳатдан таҳлил қилиш назарий, тарихий-адабий жараёнларни ўзида қамраб олади. Чарльз Диккенс прозасида аёллар характерларини очиб беришда викториан даври анъаналари муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий адабиётшунослик Чарльз Диккенс асарларида характерлар тизими ўзида образларни типларга ажратишда унинг белгиларини аниқлаш ва аёллар характерларини комплекс ўрганиш натижасида унинг типологиясини яратишни акс эттиради. Ёзувчи ижодида аёллар характерларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, ўз навбатида, Англия тарихини ва инглиз диккеншунослари қарашларини ўзида мужассамлаштиради.

Диссертациямизда ёзувчи ижодида аёл мавзусини ўрганган адабиётшунос олимларни тўртта гурухга бўлиш мумкин.

1. Чарльз Диккенснинг аёлга бўлган муносабатини унинг ижтимоий фаолияти асосида таҳлил қилган. Диккеншунос Б. Мозес<sup>7</sup> илк марта «Чарльз Диккенс ва унинг қаҳрамон қизлари» (Charles Dickens and His Girl Heroines) асарида ёзувчи асарларида оила, ота ва болалар муносабати масаласига тўхталган. Бу масала XX асрнинг 50-70-йилларига келиб яна Ғарб диккеншуносарининг диққатини ўзига тортади. Бу мавзуда В.Х. Бовен, Ж.А.Банкс, А.Майл, Д.Х.Паройсен, А.Майл, А.Артур, Х.Михи, В. Кетрин<sup>8</sup> ўз асарларида Чарльз Диккенс ва унинг оиласига бўлган муносабати масаласини таҳлил қилдилар.

2. Викториан даврининг аёл концепти масаласини тадқиқ қилган адабиётшунослар. Мазкур муаммо ҳақида дастлаб Нил Жон, Сара Стикни<sup>9</sup> аёлнинг оиласидаги ва ижтимоий жамиятдаги ўрни ва аёлга бўлган муносабатни кенг ёритиб берди.

Аёл концепти орқали оила муаммосини В.С.Роско, П.Томсон, Э.Лангленд, Ж.С.Милл, М.Анна<sup>10</sup> каби инглиз олимлари таҳлил қилдилар.

<sup>7</sup> Moses B. Charles Dickens and His Girl Heroines. – London: 1911.

<sup>8</sup> Bowen W.H. Charles Dickens and His family.- Cambridge, 1956; Banks J.A. Feminism and Family Planning in Victorian England. - Liverpool, 1964; Michael A. The Dickens Family at Portsmouth.- Dksn, vol.1981.

<sup>9</sup> Neal J. Men and Women.- Blackwood's Edinburgh Magazine, Edinburgh, vol. 16, 1824; Sarah S. The women of England. Their Social Duty and Domestic habits.-London.:1839.

<sup>10</sup>Roscoe W. C. Women.- National Review. vol.7,1858; Tomson P. The Victorian Heroine. A Changing ideal 1837-1873.- London.: 1956; Langland E. Nobody's Angels: Middle-Class Women and Domestic Ideology in Victorian Culture.- Ithaka: Cornell University Press. 1995; Mill J. S. The Subjection of Women.- Everyman's Library Ed.1869.

3. Диккенсшунос олимлар С.Глайд, Э.Латиме, К.Робсон, Т.Клайер, М.Дарби, М.Слейтер<sup>11</sup> каби ғарб олимлари Чарльз Диккенс ижодида аёлга бўлган муносабат масаласи ҳамда викториан даври инглиз аёли характерининг хусусиятларини очиб беришди.

4. Чарльз Диккенс асарларида болалар ва қизлар образини ижтимоий-маданий инглиз адабиёти асосида таҳлил қилган. Тадқиқотчилар А.Питер, М.Питер, М.Патрисиа, А.Малколм, М.Мириам, Д.Жон, Х.Даниел, А.Питер, Ж.Б.Жоел каби тадқиқотчиларнинг изланишларида Ғарб диккенсшунос олимларнинг муаллиф тасвирлаган қизлар образига турлича ёндашувлар кўзга ташланди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган илмий адабиётлар ва тадқиқотлар бизга Чарльз Диккенс асарларида аёл характери мавзусида илмий тадқиқот олиб боришга имкон яратади. Гарчи Чарльз Диккенс яратган аёл образлари хақида кўплаб илмий асарлар ёзилган бўлса-да, аксарият қаҳрамонлар ва персонажларни таснифлаш варианти, турли типдаги аёллар характерини бир-бирига солиштириш ва унинг типологик таҳлили амалга оширилмаган.


Асарларда тасвирланган аёллар характерларининг бир-бирига боғлиқ ва уларнинг қисман бир-бирига ўхшаш томонлари мавжуд бўлиб, бу ўхшашликлар характер динамикасида кузатилади. Тадқиқотнинг асосий ёндашувида Чарльз Диккенс асарларида турли даврларда яратилган персонажлар ўртасида очиқ ва яширин ички алоқалар мавжудлиги натижасида умумий тенденциялар келиб чиқади. Ижтимоий вазифаларнинг ўхшашлиги сифатида асосий масала ва ечимларнинг бир-бирига ўхшашлиги кузатилади. Типологик метод воситасида айнан умумлашма модел икки томонлама ўрганиш имконини беради. Биринчиси, ёзувчи ижодидаги аёл образи хусусиятларини чуқур таҳлил қилади, иккинчиси эса, муаллиф ижодига мансуб ҳар бир характернинг сифатларини ўрганишга замин яратади.

Типологик тасниф аёлга анъанавий услубда ёндашган ҳолда аёллар характерини викториан даври ақиданинг негизи бўлган уй концепти асосида очиб беришга ёрдам беради. Викториан ақидаси аёлнинг жамиятдаги ўрни бу унинг оиласидаги ўрни ва унинг хайр-саҳоват қўрсатувчи феълида деб белгилайди. Шу билан бирга оила муҳити билан характерланишини кўрсатди. Бундай ҳаётдаги стереотип аёл характери бир қатор викториан даври ёзувчиларига хос бўлган оилапарварлик культидинг негизини ташкил этди. Чарльз Диккенс оиланинг ажралмас қисми бўлган аёл характерини ифодалашида ишлатилган сўзлар бир тарафдан характерни очиб берса, иккинчи томондан уни типларга ажратишда хам муҳим ахамият касб этади. Муаллиф асарларидаги аёлларни характер жиҳатдан таснифланишини биз куйидаги мезонлар асосида амалга оширидик:

<sup>11</sup>Glad S. Dickens and Daughter. – London: 1939; Latimer E. A Girls Recollection of Dickens's. -London: 1893; Robson K. Charles Dickens. His character. Comedy and Career. –L: 1949; Tomalin K. The invisible woman- the story of Ellen Ternan and Charles Dickens.–L: 1990; Slater M. Charles Dickens.–The USA: 2009; Darby M. Dickens and Charity.– L., 1978.



Юқорида келтириб ўтилган мезонлар адаб асарларида ифода этилган аёл характерини типларга ажратишда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот мезонларига таянган ҳолда аёл характери ижобий ва салбий типга ажратилди:  
I. Ижобий характерга эга бўлган леди типидаги аёллар.  
II. Салбий характер типидаги аёллар.



Ҳар бир характерга мос белги ва деталлар муаллиф томонидан моҳирлик билан ишлатилган. Биз мезонларда келтириб ўтган аёл характерининг асосий омиллари асар воқеалари ривожида шаклланади. Даастлаб аёлнинг характерини унинг исмига кўра таҳлил қиласиз.

Ислар танлашда ҳам адаб бевосита қаҳрамон характерига мурожаат қиласиз. Асар қаҳрамони табиатидан келиб чиқиб, баъзида комик адаб акаука Чирибиллар каби кулгули исмлар танлайди. Ҳар бир қаҳрамон номида унинг характерини билдириб турувчи маънолар ўз ифодасини топган. Асар қаҳрамонларига берилган исмлар мутлақо бир-бираига ўхшамайди. Жумладан, Мердстон хоним, мисс Мэн, Клара, Эстелла, Люси, Чарли, Эстер, Елена Лендлесс кабилар. Аҳамиятли тарафи шундаки, муаллиф қаҳрамонларига исм берар экан, характерларнинг оғир-вазмин ёки ҳазилкашлигига, бағритошлигига ҳам эътибор қаратади.

Мезонимизга кўра аёл характерини портрет тасвирига асосланган ҳолда тадбиқ этамиз. Портрет характеристикиси кишининг ташқи қиёфаси, сиймоси, кийим-кечаги акс этган тасвирдир. Одатда портрет атамаси икки хил маънода қўлланади. Биринчиси, бу қаҳрамоннинг ташқи кўрининиши бўлса, иккинчиси, қаҳрамоннинг индивидуал-психологик қиёфасини

тасвирлашда ишлатилади<sup>12</sup>. Чарльз Диккенс асардаги қаҳрамонни китобхонга танишириш жараёнида портрет характеристикасидан унумли фойдаланади. Муаллиф асар қаҳрамони суратини сўз орқали чизиб кўрсатади. Шу ўринда ҳар бир қаҳрамонга хос кўз, юз, лаб, кулги каби ремаркаларни моҳирлик билан танлайди. Масалан, «Икки шаҳар ҳақида қисса» асаридағи бош қаҳрамон Люси Манеттнинг характерини очиб беришда қаҳрамоннинг ўзига хос сифатлари ва белгиларини қўйидагича таърифлайди: «*New heroine is named Lucie nor that she physically resembles Nelly even down to a characteristic expression of countenance: she has a short, slight, pretty figure, a quantity of golden hair, a pair of blue eyes,.... And a forehead with a singular capacity (remembering how young smooth it was), of lifting and knitting itself expression that was not quite one of perplexity, or wonder, or alarm, or merely of bright fixed attention, though it included all the four expression*» (Янги қаҳрамоннинг исми Люси бўлиб, табиатан Нэллга ўхшаб кетади. Унинг гавдаси паст, ёқимтой ва озгин бўлиб, тилла ранг соч ва бир жуфт мовий кўзга эди. Ёш бўлишига қарамай тикиш ва бичишни уddyалай олишининг ўзи унинг қийинчиликдан қўрқмаслиги, қўрқув бегоналиги, кучли таассурот қолдириши, ҳайратланиши каби тўрт сифатни ўзида ифода этади (таржималар диссертантга тегишили))<sup>13</sup>.

Юқорида келтирилган таъриф шундан далолат берадики, асар қаҳрамони Люси Манеттнинг ташқи кўринишида Европа қизларига хос мовий кўз ҳамда тилла ранг соч тасвирланган. Бундан ташқари, муаллиф унда тикиш ва бичишни эплаш, қийинчиликлардан қўрқмаслик, кучли таассурот қолдира олиш каби сифатларни келтириб ўтади. Бундан келиб чиқадики, Люси оддий бека ёки хизматқор эмас, аксинча, унинг ишбилармон қиз эканлигини ҳам пайқаш мумкин.

«Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари» асаридағи Роз Мэйли портретида эса адаб Люсидан фарқли ўлароқ, фаришталарга хос кўриниши тасвирлайди: «*The younger lady was in the lovely bloom and springtime of womanhood; She was not past seventeen. Cast in so slight and exquisite a mould; so mild and gentle; so pure and beautiful; that earth seemed nother element, nor its rough creatures her fit companions. The very intelligence that shone in her deep blue eye, and was stamped upon her noble head, seemed scarcely of her age, or of the world; and yet the changing expression of sweetness and good humour, the thousand lights that played about the face*» (Кичик хонимнинг аёлларга хос латофату назокати баҳори етишган ва бу вужуд фаришталар жон-жон дея маскан тутадиган ёшда эди. Ўн еттилар чамасида эди. Қадди қомати бејсирим, чеҳраси мулојим, мовий кўзлари чақнаб туради)<sup>14</sup>. Мазкур портретнинг энг муҳим фазилатини муаллиф фариштасифат кўринишга мужассамлаштиради. Ёзувчи соҳибжамол кўринишни унинг айнан ўн етти

<sup>12</sup> Куронов Д. Адабиётшунослик лугати. –Т., Академнашр. 2013. – 226 б.

<sup>13</sup> Dickens Ch. A Tale of Two Cities. – The USA: The Penn State Electronic Classics Series. 2013. – 218 p.

<sup>14</sup> Dickens Ch. Oliver Twist.–The USA. The Penn State Electronic Classics Series. 2013. – 134 p.

ёш эканлиги билан изоҳлайди. Шундай тасвир ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи қаҳрамони Кумуш портретида ҳам акс этади. Портрет тасвирида урғу берилган гўзаллик унинг фаришталарга хос кўриниши ва ёшига хос бўлган бетакрор малак фусункорлигини тасвирлайди. Портретни янада аниқроқ тасвирлаш учун Кумушнинг қомати бежирим, чехраси мулойим эканлигини қайд этади. Кумуш ва Роз Мэйли портретида асл ўзбек малаги ҳамда ҳақиқий инглиз хоними яъни инглиз лэдиси муаллифлар маҳоратига кўра фариштасифатлик концептида уйғунлаштирилган. Аёл портретларида тасвирланган фариштасифат беозорлик аёлликка хос бўлган қиёфа Роз Мэйлида мовий кўзлар, тилла ранг соchlар, мулойим табассум каби бадиий тил воситалари, Кумушда эса тимқора кўзлар, қоп-қора камон, ғуборсиз оқ юз каби ташбеҳлари орқали ифода этилган.

«Катта умидлар» асари персонажи Жоржиана портретида адиб инглиз аёлларининг одатдаги либосидан фойдаланади. Муаллиф Жоржинани асарнинг етакчи қаҳрамони бўлган Пип тилидан қуидагича тасвирлайди: «*She was tall and bony, with black hair and eyes, and red face, and always wore a coarse apron stuck full of pins and needles*» (У қизил юз, баланд бўйли, озғин бўлиб, унинг соchlари ва кўзлари қора ранѓда эди. Ҳар доим игналар қадалган қўпол фартук тақиб юради)<sup>15</sup>. Портретда асарнинг бош қаҳрамони тилидан тасвирланган оддий уй бекаси акс этганлигини англаш мушкул эмас. Люси ва Роздан батамом фарқ қилган Жоржиана ўзининг либоси билан ҳам ажралиб туради. Ёзувчи оддий уй бекаси портретини тасвирлар экан, доим тақиб юрадиган қўпол фартукни унинг ажралмас ва муҳим белгиси сифатида қайд этади.

Бадиий психологизм персонаж руҳиятини очиб бериш, унинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўzlарини психологик жиҳатдан асослашга хизмат қиласди. Ёзувчи персонаж руҳиятини бевосита ёки билvosита тасвирлаб бериши мумкин. Персонаж ўй-кечинмалари, ҳис-туйғуларининг «ички монолог», онг «оқими тарзида», ёки муаллиф тилидан (ўзиники бўлмаган муаллиф гапи) баён қилиниши психологик тасвирнинг бевосита шакли ҳисобланади<sup>16</sup>. Асарда персонаж психологияси унинг хатти-ҳаракатларида акс этади. Қаҳрамоннинг гап-сўzlари, юз-кўз ифодалари(мимикаси), ундаги физиологик ўзгаришларни кўrsatiш орқали руҳиятнинг очиб берилиши билvosита психологик тасвирдир. Руҳий тасвирнинг бу икки қўриниши бир-бирини тўлдиради, шу боис ҳам муайян персонаж руҳиятини тасвирлашда ёзувчи буларнинг ҳар иккисидан ҳам ўрни билан унумли фойдаланади. Бундай тасвир «Катта умидлар» асарида қуидагича ифодаланади: «*Miss Havisham up town – as an immensely rich and grim lady who lived in a large and dismal house barricaded against robbers and who led a life of seclusion*» (мисс Ҳевишам қаттиқўл ва бадавлат хоним ўғрилардан ҳимояланган

<sup>15</sup> Dickens Ch. Great Expectations. –The USA: The Penn State Electronic Classics Series: 2013. –11 p.

<sup>16</sup> Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Академнашр. 2006. – 56 б.

*атрофи темир панжара билан ўралган катта ва қўрқинчли уйда узлатда яшар эди*<sup>17</sup>. Бу тасвир оддий қаҳрамон кўринишини мутлақо эслатмайди. Аксинча, психологик тасвир унинг учта белгисини кўрсатиб ўтади. Биринчи белги у бадавлат ва қаттиққўл хоним. Иккинчи белги у катта ва қўрқинчли уйда яшаши бўлса, учинчи белги унинг узлатда ҳаёт кечиришидир. Мисс Хэвишамнинг уч белгисини ўз ичига олган ҳаёт тарзи одатдаги қаҳрамонлар ҳаётига сира ўхшамаслиги билан ҳам ажралиб туради. Шунинг учун муаллиф ушбу аёл характерини кўрсатиб беришда руҳият тасвиридан фойдаланади. Мисс Хэвишам кекса ёшда бўлишига қарамасдан келинчаклар либосида акс эттирилган. Бу аёлнинг ҳашамдор либосда юриши билан бирга унинг мимикалари ҳам психологик характерга эга эканлигидан дарак беради.

Юқорида келтирилган характер мезонлари адаб прозасидаги турфа хил аёл характерларини типологик жиҳатдан таснифлашга хизмат қиласди.

Иккинчи боб «Чарльз Диккенс ижодида аёл характер типларининг ифодаланиши» деб номланган. Мазкур бобда ижобий характер типидаги аёллар мезонлар асосида таҳлил қилинган.

Чарльз Диккенс аёллар характерларини очиб беришда ижтимоий мухитнинг таъсирини ва характернинг индивидуал хусусиятларига аҳамият берган. Адаб аёл характерини тасвирлар экан образли ибораларни кўп ишлатади.

Ёзувчи прозасида учрайдиган турфа хил типдаги аёллар характерлари ўзига хос белгилари билан маълум бир типни вужудга келтиради. Мазкур характер типи муаллиф тасвирлаган воқеалар ривожида очилади. Келинлар ва рафиқалар типидаги аёл характери адаб асарларида турлича тасвирланади. Ёзувчининг келинлар типидаги характер аёлнинг турмушга чиқиши билан бошланадиган ҳаёт тарзини акс эттиrsa, рафиқа типи асар бошиданоқ умр йўлдоши сифатида намоён этади. Гувернантка яъни уй устози ва оналар типидаги характерда эса ўқимишли қизлар ҳамда она ва оналар ўрнини босувчи энагалар тасвирланади.

Рафиқа ва келинлар характери нафақат адабнинг, балки викториан идеалнинг асосини ташкил этди. Муаллиф асарларида келинлар ва рафиқалар характери бир хил тасвирланмаган. Яқинда турмушга чиққан ёки турмушга чиқаётган қизлар характерида келинлар типи намоён бўлади. Рафиқа типида умр йўлдоши акс этиб, мазкур типдаги характер асар воқеалари жараёнида фақат рафиқа сифатида намоён бўлади. Бидди (Biddy) ва Клара Барлей (Clara Barley) характерида ана шундай хусусият акс этади.

Бидди етим бўлиб, она меҳрини кўрмаган. Жоржиана Гаржери (Georgiana Gargery) бетоб бўлганидан сўнг Жога (Joe) ва Пипга (Pip) ғамхўрлик қилган Бидди том маънода ғамгин хонадоннинг қувончига айланиб қолди. Дастрлаб Пипни ўқитган Бидди кейинчалик Жога ҳам ўқишни ўргатади. У Жо учун ҳақиқий қувонч ва тасалли манбаи эди. Пип Биддига Жо орқали осудалик ва озодликни қадрлаш имконияти берилганлигини

<sup>17</sup> Dickens Ch. Great Expectations. – The USA: The Penn State Electronic Classics Series: 2013. – 34 p.

таъкидлайди. Биддисиз Жо ёлғиз ва бахтсиз бўларди. Адиг Жо характеридаги инсоний фазилатларни тасвирлашда Пипдан фойдаланади. Пип учун Жо ҳақиқий ота ҳисобланади. Болалигидан оиласа ғамхўрлик қилган ва у ҳақда қайғурган инсон Жо эди. Жо Пипни авайлар, опасидан фарқли ўлароқ, Жо қайнок қалбга эга. Жо Пипдан меҳрини аямасди, унинг жентльмен бўлишини чин юракдан истар ва бу йўлда уни астойдил қўлларди. Чарльз Диккенс Жонинг энг катта бахти унинг бахтли оиласи, қолаверса, Биддидек рафиқасининг меҳрида деб кўрсатади.

Бидди характери асар воқеалари давомида тўлароқ акс эта бошлайди. Қаҳрамоннинг характери дастлаб унинг портретида намоён бўлади. Асар бошида оддийгина қишлоқ ўқитувчisi сифатида кўринган Бидди Жо оиласига ғамхўрлик қила бошлаган Биддидан бироз фарқ қиласди. Асар бошида Пип китобхонга Биддини таништиришда унинг мафтункор ва гўзал эмаслигини, бироқ унинг ҳақиқий гўзаллиги опасига ва Жога қилган ғамхўрлигига намоён бўлишини айтиб ўтади. Қизнинг ботиний гўзаллиги ва меҳрини Эстелла билан қиёслаб бўлмасди. Пип Биддини Эстеллага қиёслаб «вақт ўтган сари Бидди Эстелладан яхшироқ эканлигини тушуна бошладим» дейди. Иккала қизни қиёслашда адиг уларнинг ички дунёсига эътибор қаратади. Бидди билан Пипни оддий меҳнат ҳаёти боғлайди. Бидди характери мезонларимиз асосида тўрт жиҳатдан, яъни портрет тасвирида, аёлнинг атрофдагиларга бўлган муносабатида, аёлнинг хатти-харакатида ва атрофдагиларнинг аёл ҳақидаги фикрларида яққол очиб берилган.

Идеал аёл сифатлари Клара Барли характерида ҳам мавжуд. Чарльз Диккенс уни тасвирлашда ўша даврга хос бўлган ижобий хусусиятлардан фойдаланди.

Клара онасида эрта жудо бўлади. Отаси уни ёлғиз тарбиялади. Бироқ ота қизининг тақдирида бирорта муҳим қарор қабул қилишга қодир эмасди. Фарзандлик бурчини адо этар экан, Клара ўз бахтини ўйлашдан кўра касалманд отага қарашни афзал деб билади.

Клара характеридаги содалик ва самимият унинг хушмуомала одобида кўринади. Герберт Покет уни дастлаб меҳрибон маслаҳатчи сифатида қабул қиласди. Герберт ҳаётида фаол бўлган Клара Пип ва Герберт ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Е.В.Зброжек Кларанинг характерли жиҳати викториан ледининг хушмуомалалиги яхши муҳитни яратишга хизмат қилишида ва атрофдагиларнинг эътиборини қозонишида деб ҳисоблади<sup>18</sup>. Характернинг муҳим қирраси унинг хушфеълигига кўринади. Келинчак типидаги характернинг бу фазилати Герберт Покетга турмушга чиққанидан сўнггина аён бўлади.

Клара характеридаги кучли туйғу унинг ҳимоясиз эканлигига кўрина бошлайди. Кларанинг соғ туйғулари Гербертга фарзанд кўриши ҳақида эслатганида намоён бўлади. Герберт у ҳақда гапира туриб баъзида «менинг

<sup>18</sup> Зброжек Е.В. Проблема идеала в творчестве Диккенса (учебное пособие для студентов) – М: Прогресс, 2005. – С.28-44.

қизим» деб атайди. Мазкур персонажнинг ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, унинг Гербертдан бироз катталигини пайқаш мумкин. Шу билан бирга, йигитга қараганда тажрибалироқ ҳамдир. Бемор отасини парвариш қилаётган Клара Герберт билан учрашувларга қийинчилик билан розилик берарди. Унинг хушмуомалалиги ва ахлоқи йигитда ижобий таассурот қолдиради. Клара ҳаётидаги оғир шароит баъзида уни ҳолдан тойдириб қўярди. Шунга қарамай, аёл мураккаб ва жиддий муаммоларнинг ечимини топишга мажбур. Бундай муаммоларга ечим топишда унинг тажрибаси қўл келарди. Ахир у болалигидан оиланинг кичик бекасига айланиб улгурганди. Клара «оналарча» меҳрини Гербертга беради. Унинг туйғулари меҳр билан қоришиб кетганди.

Таъкидлаш лозимки, Клара характерида викториан идеал аёлининг негизи мавжуд. Герберт уни бола деб ҳисоблайди. Аёлнинг фазилатларини қадрлаш билан бирга, ундаги ақл-заковатга ҳам тан беради. Клара характеридаги фазилатлар ва ақл-заковат фаришта аёл идеалини вужудга келтиради. Бироқ Клара тақдири викториан оиласада тобланган аёл ролининг мураккаб кўринишини ифодалайди. Клара Барли характери бешинчи, олтинчи, тўққизинчи критерияларимизда кўрсатилган аёл вояга етган муҳит (Кларанинг уйи), аёлнинг атрофдагиларга бўлган муносабати (Герберт ва отасига бўлган муносабати) ҳамда атрофдагиларнинг аёл ҳақидаги фикрларида (Герберт ва отасининг Клара ҳақидаги фикрларида) яққол кўзга ташланади.

Улгайиб балофатга етган қаҳрамонлар турли сабабларга кўра вақт билан боғлаб изоҳланади ёки ажратиб кўрсатилади. Шунинг учун ҳам уларнинг характери ўзларининг ёши ёки яшаб ўтган йил билан аниқланмайди.

Диккенсшунос олимлар адабнинг энг «севимли» характери типида идеал инсоннинг эстетик одоб ахлоқи мавжудлигини таъкидлаб ўтади. Адаб ижодидаги йирик ва руҳий жиҳатдан пишиқ ишланган характерлардан бири бека образи ҳисобланади. Муаллиф бу характерда идеал инсоннинг эстетик одоб-ахлоқи мавжудлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Чарльз Диккенснинг эстетик идеалида яратилган бекалар энг яхши фазилатлар: мустаҳкам ирода, меҳрибонлик, фидокорлик, садоқат ва болаларча беғуборлик мужассам этилади.

Инглиз олими К. Эриксон диккенсшунос Ж.Форстер, Ф.Каплан, К. Филдинг, П.Акройдлар каби «бека» характерини ёритишда адабнинг эрта вафот этган қайин синглиси Мэри Хогарт прототип асос бўлганлигини таъкидлайди. Ф.Донован изоҳлаганидек Мэри характерига хос хислатларни адаб асарларида ёш қизлар образларида мужассамлаштирганини кўрсатади<sup>19</sup>. Э.Уилсон эса «бека» типидаги характерлар «нафақат Диккенс биографиясига тегишли», айнан – «унинг болалигига алоқадор», деб ҳисоблайди<sup>20</sup>.

<sup>19</sup>Donovan F. Dickens and Youth. - New York: Mead and Company. 1968. – 17 p.

<sup>20</sup> Wilson A. The world of Charles Dickens. - Harmondsworth: Penguin Books. 1972. – 151 p.

«Бека» типидаги характерини идеаллаштириш ва уларнинг асарда «такрорланиши» (ёзувчининг ижодида улар иштирок этмаган ҳеч бир асар йўқ) тез-тез танқидчиларнинг салбий муносабатини уйготган. У.Теккереј, Ч.Л.Сноу, И.М.Катарский, Г.Честертонлар бу типдаги аёл характерини омадсиз деб хисоблашади. В.Б.Шкловский ёзувчи томонидан қалбсиз «мехрибон қаҳрамон» мужассам бўлиб, у «сюжетсиз, у ҳақда фикрлаш мумкин эмас, хатто унинг такрорланиши ҳам ажаблантирмайдиган унинг ўзида ҳам ўрганилмаган»<sup>21</sup> деб хисоблади.

Юқорида келтирилган кузатишлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, «бека» типидаги характернинг намоён бўлиши ёзувчининг ҳаётий тажрибаси ва у босиб ўтган йўл билан бевосита узвий боғлиқдир. Унинг ижобий сифатлар билан йўғрилганлиги бундай типдаги характернинг бўлганлигига бироз шубха туғдириши мумкин. Бироқ Чарльз Диккенс айнан ўрта табақага мансуб қизларни ана шу типда тасвирлади.

Чарльз Диккенс прозасида аёл характери тасвирланар экан, аввало, образ динамикаси ижодининг даврий босқичларида кўзга ташланади. Ёзувчининг аёл сиймосига бўлган қарашларини гарб адабиётшунос олими Майл Слейтр «викториан ақидалар, айниқса, аёл кишига бўлган муносабатда характерли ва типик эди»<sup>22</sup> деб ифодалайди.

Гувернанткалар, яъни уй устози типидаги характер Чарльз Диккенс асарларида турлича намоён бўлади. Улар ўрта табақа вакилаларидан ташкил топган бўлиб, асосий вазифаси таълим беришдан иборат. Муаллиф асарларида тасвирланган мисс Лилертон, мисс Крамптон, мисс Монфлазерс, мисс Жарли, мисс Твинклетон, мисс Пичерларнинг характерларида ўқимишли аёл образининг турли қирралари акс этади.

«Мартин Чазлвуйт» асарида тавсирланган Руснинг (Ruth) гувернантка эканлигини биз унинг акаси Том Пинч орқали биламиз. Характернинг муҳим қирралари унинг пианинони яхши чалишида, чет тилини ўқита олишида, яхши хулқида, ўзи яхши тарбия топганлигига кўзга ташланади. Бир сўз билан айтганда, гувернантка аёл типи хурматга сазовордир. Таъкидлаб ўтилган гувернанткалар типини Кумуш ёхуд Раънога қиёс қиласа бўлади. Жумладан, Кумуш билими ва савиясига қўра ўз даврининг энг комилаларидан эди («мен Фузулийни яхши кўраман, сиз ҳамми?») ёки Раъононинг маҳалла қизларига сабоқ бериб, отинойилик қилиш хусусияти юқорида таъкидлаб ўтилган инглиз гувернанткаларига тенглаша олади.

«Жонсиз» характерларни Диккенс «катақда ачинарли аҳволда яшаётган кўплаб қизларнинг» ҳаёти мисолида кўрсатиб беради. XIX аср бошларидағи Англияning умумий тенденцияси мавжуд бўлиб, бу болаларда «кичик катталарни» кўриш эди. Ф.Ариес, А.Бригс, О.Н.Колослар олиб борган тадқиқотларда таъкидлаганидек «азалдан ўн уч ёшли кичкина қиз эрта

<sup>21</sup>Шкловский В.Б.Английский классический роман. – М: Избранное, в 2т. художественная литература.1983. –224 с.

<sup>22</sup> Slater M. Charles Dickens. – The USA: Yale university press, 2009. – 570 р.

етилган аёл бўлиб», бунақанги баркамоллик даражаси худди таранг тортилган ип ва тарбия билан меъёрига етказилганди.

«Жонсиз» характер типдаги қизларда меҳрибонлик уйларининг қучли таъсири натижасида мағрурлик ва ёлғизлик ўз ифодасини топган.

